

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

ЯНГИ УЙ ҚУРИШ УЧУН ЯНГИ НИЗОМ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида уй-жойлар қуришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 280-сон қарори билан «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида яқка тартибда уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Уй-жой қуриш пудратчи томонидан яқка тартибда уй-жой қурувчиларнинг буюртманомаларига мувофиқ инжиниринг компаниясининг буюртмалари асосида амалга оширилади. Унинг қиймати банкнинг имтиёзли ипотека кредитлари ҳисобига яқка тартибдаги қурувчи томонидан ўз маблағлари ҳисобига, унинг иш берувчиси ҳисобланган юридик шахсларнинг маблағларидан ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан тўланади. Ҳужжат билан яқка тартибда уй-жой қуриш учун яқка тартибдаги қурувчиларга ер участкаси танлаш ва ажратиш тартиби, ипотека кредитини бериш тўғрисидаги шартнома тузиш тартиби ва шартлари (намунавий шартнома матни Низомга иловада келтирилган), ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва бошқа масалалар тартибга солинган.

Ҳукуматнинг баъзи қарорларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

ПИВО УЧУН МАСОФА БЕЛГИЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги «Пивони чакана сотишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 282-сон қарори («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) билан 2009 йил 1 ноябрдан бошлаб таълим муассасалари ва диний ташкилотлардан камида 500 метр радиусда жойлашган савдо объектлари орқали пивони чакана сотиш тақиқланади. Ушбу талабга риоя қилмаслик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка олиб келади. Давлат солиқ қўмитасига алкогольли ва кучсиз алкогольли ичимликларни, шу жумладан пивони чакана сотиш қоидаларига риоя қилиниши устидан назоратни қатъийлаштириш ҳамда қоидаларни бузишга йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан таъсирчан чоралар қўриш вазифаси топширилган. Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларига (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарори билан тасдиқланган) тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

ҒИШТ УЧУН ЛИЦЕНЗИЯ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27 октябрдаги 284-сон қарори билан Ғишт хом ашёсини геологик жиҳатдан ўрганиш, таъриба-саноат ва саноат асосида қавлаб олиш учун ер қазри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензиялар беришнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Лицензиялар Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг ностандарт, тежамсиз печларни махсус энергия ва ресурсларни тежайдиган технологияларга алмаштирган ҳолда, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этган пишик ғишт ишлаб чиқарадиган корхоналар билан тўғридан-тўғри музока-

ралар олиб бориш натижаларига кўра берилиши мумкин. Буюртманомага зарур ҳужжатлар билан бирга «Ўзқурилишматериаллари» АКнинг лицензия талабгори пишик ғишт ишлаб чиқариш бўйича махсус печлар (айланма, туннелсимон ва бошқалар)дан фойдаланган ҳолда энергияни тежайдиган замонавий технологияларга эгалигини ёки уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш жараёни бораётганлигини тасдиқлайдиган эксперт хулосаси илова қилиниши керак. Экспертиза мурожаат тушган кундан бошлаб ўн кун мобайнида ўтказилади. Буюртманома кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат геология қўмитаси ва «Ўзқурилишматериаллари» АКга 2010 йил 1 февралгача энергияни тежайдиган замонавий технологиялар асосида пишик ғишт ишлаб чиқараётган ишлаб турган корхоналарга лицензиялар берилишини таъминлаш буюрилган.

ИЧКИ НАЗОРАТ БЎЛИШИ КЕРАК

Марказий банк бошқаруви, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 23 октябрда 2023-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тижорат банкларидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Хар бир тижорат банки ички назорат хизматининг вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгилайдиган низомни ишлаб чиқиши, банк кенгашида тасдиқлаши ва амалга киритиши лозим.

Ҳужжат билан тижорат банклари томонидан миқозларни лозим даражада текшириш бўйича мустақил равишда чора-тадбирлар қўрилиши керак бўлган ҳоллар; шубҳали ва гумонли операцияларни, шу жумладан алоҳида ҳолларда хабар қилиниши керак бўлган операцияларни аниқлашнинг мезонлари ва аломатлари белгиланган. Шубҳали ва гумонли операцияларни аниқлашга ҳамда улар аниқланганда зарур чоралар қўришга тааллуқли бўлган бошқа масалалар ҳам тартибга солинган.

2009 йил 2 ноябрдан кучга кирди.

Марказий банк бошқаруви, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 28 октябрда 2027-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Нобанк кредит ташкилотлари ҳар йили қуйидагиларни акс эттирган ҳолда ички қоидаларни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши лозим: ички назорат тизимини ташкил этиш тартиби ва унинг тузилмаси, миқозларни текшириш, шу жумладан, миқозларни ва уларнинг ҳақиқий эгасини идентификациялаш, шунингдек, миқозларнинг операциялари устидан доимий мониторингнинг амалга ошириш қоидалари ҳамда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар. Ҳужжат билан шубҳ-

али ва гумонли операцияларнинг мезонлари ва аломатлари, алоҳида ҳолларда хабар қилиниши керак бўлган операцияларнинг мезонлари, хатар даражасини аниқлаш тартиби, ички назоратни амалга ошириш натижасида олинган маълумотлар ва ҳужжатларни расмийлаштириш, сақлаш ва махфийлигини таъминлаш белгиланган. Ҳужжат билан бошқа масалалар ҳам тартибга солинган.

2009 йил 7 ноябрдан кучга кирди.

ХИЗМАТНИ ОХИРИГАЧА ЎТАНГ

Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қарори (АВ томонидан 2009 йил 27 октябрда 2024-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва Сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).

Ўқишни тамомлаган ва ҳарбий хизматни ўташ ҳақидаги янги шартномани имзолаган ҳарбий хизматчилар, шартнома талабларини бажармаганлиги ёки содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилиши сабабли шартномада кўрсатилган муддатдан илгари захирага бўшатишга, ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини қоплашлари керак. Ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари ундирилмайдиган ҳолатлар белгиланган. Олий ҳарбий таълим муассасасини тамомлаган ва 5 йил давомида ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбий хизматчиларни ундиришдан озод этилади. Ўқишни тамомлагач, шартнома тузмасдан ҳарбий хизматни ўтаган ва 2006 йилнинг 1 сентябрга қадар захирага бўшатишга ҳарбий хизматчилар ҳам бюджет маблағларини тўлашдан озод этиладилар.

Олий ҳарбий таълим муассасасида ўқиш учун ундириладиган маблағлар ҳажми энг кам иш ҳақининг 270 бараваридан 430 бараваригача бўлган суммани ташкил этади (ўқиш муддатидан ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаганлик ёки ўтамаганликдан келиб чиқиб), сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиш учун эса – унинг захирага бўшатишга вақтида қонунда белгиланган энг кам иш ҳақининг 40 бараварига тенг даражада ундирилади. Ўқиш учун сарфланган бюджет маблағларини қайтармаган шахсларга кейинчалик ишга жойлаштиш учун дипломнинг вақтинчалик берилмаслик сабаблари кўрсатилган ва олий маълумотга эга эканлиги тўғрисида маълумотнома ҳамда ўзлаштирган ўқув фанлари рўйхати, уларнинг ҳажми ва баҳолари қайд қилинган диплом иловасидан кўчирма берилади.

2009 йил 6 ноябрдан кучга кирди.

БАҲОЛАШНИНГ МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАРИ

Давлат мулки қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 28 октябрда 2025-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 24 октябрдан 30 октябрга бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 44-сон асосида тайёрланди.

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.pnma.uz сайтидаги эркин кирилади-ган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

мулк қийматини баҳолаш» тасдиқланди. Шунингдек 8-сон МБМСни қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар ҳам ишлаб чиқилган (ҳужжатга иловада келтирилган).

2009 йил 7 ноябрдан кучга кирди.

Давлат мулки қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 28 октябрда 2026-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (9-сон МБМС) «Бизнес қийматини баҳолаш» тасдиқланди. Ҳужжатга 9-сон МБМСни қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар илова қилиб келтирилмоқда.

2009 йил 7 ноябрдан кучга кирди.

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 30 октябрда 2028-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларини эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга мувофиқ эскириш бюджет ташкилотлари асосий воситаларининг йиллик эскириш меъёрларидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили аниқланади ва ҳар ойда шу ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирилади. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, зарур ҳолларда, ўзларининг тизимидаги ташкилотларда эскириш меъёрларини Низом билан белгиланган меъёрлардан ошмаган ҳолда ўрнатилган тартибда белгилашлари мумкин.

Мазкур ҳужжат кучга кириши билан СССР Госплани, СССР молия вазирлиги, СССР Давқурилиш ва СССР МСБ томонидан 1974 йил 28 июнда тасдиқланган Бюджет муассасалари ва ташкилотлари асосий фондлари бўйича йиллик эскириш нормалари Ўзбекистон ҳудудида қўлланилмайд.

2010 йил 1 январдан кучга қиради.

ҲУЖЖАТЛАР МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 октябрдаги 285-сон қарори билан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки уставига Президентнинг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-1166-сон қарорига мувофиқлаштирувчи ўзгартиришлар киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27 октябрдаги 283-сон қарори билан Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси Кенгашининг ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2008 йил 30 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Котибияти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 875-1/554-1-сон қўшма қарори билан мувофиқлаштириш мақсадида ҳукуматнинг баъзи қарорларига қўшимчалар киритилди.

УШБУ
СОНДА

1-бет
Қонун ҳужжатларига
қисқа шарҳ

3-бет
Маслаҳатни юрист
беради

4-бет
Саволни
пенсионер беради

5-6-бетлар
Янги қонун
ҳужжатлари

\$1 = 1504,55 сўм

€1 = 2235,85

£1 = 2477,24 сўм

¥10 = 166,80 сўм

INTER
PRESS
www.interpress.uz

INTER-PRESS
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Истории • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

ОБУНА-2010
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Истории • Клаксон • Коммерсантъ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

119-0000
155-0955
Тел./факс: (99897)
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

Қонун чиқарувчилар нималар устида ишламоқда

ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЯДИ

Аввал хабар қилинганидек, 29 октябрдаги ялпи мажлисда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини кўриб чиқди ва тасдиқлади. Ушбу масала парламент даражасида биринчи марта кўриб чиқилди – бунгача аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини тасдиқлаш ҳукуматга тегишли ҳуқуқ ҳисобланарди.

Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига халқаро молиявий инқироз алоҳида аҳамият бағишлади. Ёш авлодни ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга эътибор кучайганлиги натижасида бўшаётган кишиларни ишга жойлаштириш зарурлигидан ташқари, – Россия, Қозоғистон ва бошқа яқин хориж мамлакатларида қурилиш ва ўзга тармоқларда кенг миқёсда қисқартиришлар натижасида ишсиз қолган меҳнат мигрантларининг уйга қайтиб келишлари меҳнат бозорига бўлган босимни кучайтирди.

Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра жорий йилнинг 9 ойи ичида бир йил учун режалаштирилган 932,6 минг ҳисобидан 743,5 минг янги иш ўрни яратилган. Уларнинг 311 мингдан кўпроғи кичик бизнесга тегишли, 77,9 мингтаси эса тикувчилик, ипакчилик, мебелсозлик ва электрон саноатда банд бўлган касаначилардир.

2010 йилда, Олий Мажлис маълум қуллаган лойиҳага кўра, 950 минг кишини иш билан таъминлаш керак бўлади. Ҳукумат бу масалада Ин-

вестиция дастурига, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, етакчи тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларига таянади, уларни амалга ошириш ҳисобида деярли 56 минг фуқарони ишга жойлаштириш режалаштирилмоқда.

Кичик бизнесда янги иш ўринларининг салмоқли қисми хизматлар ва сервис (282 минг), саноат (52,9 минг) соҳаларида ва пудрат-қурилиш ишларида, шу жумладан уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш соҳасида (43,6 минг)

яратилади. Касаначилик меҳнати ривожлантиришда келгуси йилда катта эътибор халқ хунармандчилиги ва оилавий тадбиркорликка қаратилади. Аҳолининг манфаатдор қатламларини Аҳоли бандлигини таъминлаш дастурида касаначиларни «уста-шогирд» усулида ўқитиш ва тайёрлаш ҳамда миллий хунармандчиликнинг анъанавий марказлари – Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Қўқон ва Марғилонда, шунингдек хунармандчилик ривожланган Шаҳрихон, Фиждувон, Чуст, Ургут, Риштон ва бошқа туманларда имтиёзли микрокредитлаш кўзда тутилган.

Паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликка, шунингдек мевасабзавот ва бошқа маҳсулотларни етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларини барпо этиш ҳамда кенгайтириш истиқболдаги умидбахш соҳалардир (уларда тахминан 127,7 минг янги иш ўрни яратилади). Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобида 61,3 минг, банк крот корхоналарни, шу жумладан тижорат банкларига балансга берилганларини тиклаш ҳисобида 8,9 мингта янги иш ўринлари яратилиши керак.

Худудлар бўйича: Фарғона водийсининг аҳоли зич жойлашган вилоятларида тахминан 240,1 минг, шимолий худудларда (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти) 107,3 минг, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 81,2 минг, Тошкент шаҳри ва вилоятида деярли

165,9 минг, Самарқанд вилоятида 92 мингдан ортиқ, Бухоро ва Навоий вилоятларида 113,3 минг, Қашқадарё вилоятида 86,4 минг ва Сурхондарё вилоятида 63,7 минг иш ўрини яратиш режалаштирилган. Бунда меҳнат бозоридаги вазият кескин бўлган 30 туман (шаҳар)да иш ўринларини сезиларли равишда кўпайтириш назарда тутилган.

Тармоқлар бўйича саноатда 109,2 минг, қишлоқ хўжалигида 127,7 минг, қурилишда 105 минг ҳамда хизматлар ва савдо соҳасида 328,7 минг иш ўрини яратиш мўлжалланмоқда.

Капитал маблағларнинг умумий ҳажми деярли 19 трлн сўмни ташкил қилади. Ана шу эҳтиёжларга келгуси йилги Давлат бюджет лойиҳасида 800 млрд сўмдан ортиқ маблағ қайд этилган. Қолган маблағлар мўлжалга кўра корхоналар ва аҳолидан, чет эллик инвесторлар, тижорат банклари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг тикланиш ва тараққиёт, Молия вазирлиги ҳузуридаги сугориладиган ерларни мелиоратив яхшилаш, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги бандликка кўмаклашиш жамғармалари ва бошқа манбалардан келиб тушиши керак.

«Норма маслаҳатчи»нинг махсус мухбири Юлия ЯШИНА тайёрлади. Мақолани тайёрлашда 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури маълумотларидан фойдаланилди.

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОЛИЯ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИКРЕДИТ УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАРТИБГА СОЛУВЧИ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ҲУЖЖАТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Куйидаги позицияларга
жисмоний шахслар
Ўзбекистон
Республикаси
резидентлари
таклиф этилади:

- кредит уюшмалари фаолиятини тартибга солиш соҳасида мутахассис
- ташқи аудит соҳасида мутахассис
- юрист



148-09

Резюмелар 2009 йил 27 ноябргача қабул қилинади.

Конкурс шартлари ва маълумотлар юзасидан куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳқўчаси, 6.

Тел.: 233-70-38, тел/факс: 233-83-41. Электрон почта: fsda@ars.uz.

Қўшимча маълумот www.uzjobs.com сайтида.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 3 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1360,56	1 Малайзия ринггити	439,28
1 Англия фунт стерлинги	2477,24	1 Польша злотийси	521,51
1 Дания кронаси	298,64	1 СДР	2392,07
1 БАА дирҳами	409,65	1 Туркия лираси	998,37
1 АҚШ доллари	1504,55	1 Швейцария франки	1472,59
1 Миср фунти	274,95	1 ЕВРО	2235,85
1-Исландия кронаси	12,01	10 Жанубий Корея вони	12,71
1 Канада доллари	1396,07	10 Япония иенаси	166,80
1 Хитой юани	220,39	1 Россия рубли	51,79
		1 Украина гривнаси	188,07

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ИДХ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ
АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	5.11.2009	1	0,8032	1	1,1921	1	0,0275
Арманистон	5.11.2009	1	387,51	1	575,10	1	13,29
Беларусь	6.11.2009	1	2732,00	1	4050,19	1	93,78
Грузия	5.11.2009	1	1,6829	1	2,4841	1	5,7567
Қозоғистон	6.11.2009	1	150,82	1	223,50	1	5,17
Қирғизистон	31.10.2009	1	43,7196	1	64,7859	1	1,505
Латвия	6.11.2009	1	0,473	1	0,702804	1	0,0162
Литва	6.11.2009	1	2,3286	1	3,4528	10	7,9951
Молдова	5.11.2009	1	11,0634	1	16,3329	1	0,378
Тожикистон	6.11.2009	1	4,343	1	6,4068	10	1,4912
Ўзбекистон	3.11.2009	1	1504,55	1	2235,85	1	51,79
Украина	5.11.2009	100	801,48	100	1183,0646	10	2,7416
Эстония	5.11.2009	1	10,5396	1	15,6466	1	0,361522

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ СОНДА:

• УСТУВОРЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Иш ўринлари кўпаяди
- Валюталар курси

1-2-бетлар

• ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

- Муассис эмаслиги боис
- Қандай қилиб омордан цех қилса бўлади
- Ёғочга оид ҳисоб-китоблар
- Уртача ҳисоблаймиз

3-бет

• ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ

- ЭКИХдан келиб чиқинг

- Қайта ҳисоб-китоб қилинмайди

4-бет

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ
ЯНГИЛИКЛАРЎзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг қарори

- «Ўзбекистон Республикасига грантли беғараз техник кўмакни жалб этишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида».

Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:

– ЎЗР ВМ ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, МАИМКВ, МВнинг «Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш

тўғрисида»ги қарори;

– ЎЗР Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғининг «2006 йил 19 июндаги 517-сонли ва 2007 йил 22 февралдаги 12-сонли буйруқларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги буйруғи.

5-6-бетлар

• top

7-8-бетлар

Юридик маслаҳатлар

МУАССИС
ЭМАСЛИГИ БОИС

? Якка тартибдаги тадбиркор қайта рўйхатдан ўтказилган (фаолият тури ўзгарган, давлат рўйхатидан ўтиш гувоҳномасининг амал қилиш муддати узайтирилган) тақдирда ундан давлат божи ундириладими? Агар қайта рўйхатдан ўтказиш учун давлат божи ундирилмаса, у ўзининг фаолият юритиш муддатини чексиз узайтириши мумкин бўлиб қолмайдими?

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш а ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида низомнинг (Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган) 35-бандида айтилишича, таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларни давлат рўйхатига олиш учун белгиланган давлат божи миқдорининг 50 фоизи миқдорида ҳақ ундирилади. Бу юқорида айтилганларга қандай дахл этади? Мазкур вазиятга аниқлик киритиб берсангиз.

Жавлонбек.
Хоразм вилояти.

– Биринчи навбатда шуни таъкидлаш лозимки, сиз кўрсатган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг* 35-банди қоидалари фақат юридик шахсларга тегишлидир. Якка тартибдаги тадбиркорлар таъсис ҳужжатларига эга эмаслар ва, тегишинча, уларга ҳеч қандай ўзгаришлар кирита олмайдилар. Чунончи, Низомнинг 28-бандига кўра зарур рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидалари тугаганидан кейин рўйхатдан ўтказувчи орган қуйдагиларни беради:

тадбиркорлик субъектлари – **юридик шахсларга** юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда «**рўйхатдан ўтказилди**» белгиси қўйилган, рўйхатдан ўтказувчи орган муҳри билан тасдиқланган **таъсис ҳужжатлари**, шунингдек муҳр ва штамп эскизи билан биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатнома;

якка тартибдаги тадбиркорларга – якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, шунингдек муҳр ва штамп эскизи билан (тадбиркорнинг хоҳишига кўра) биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатнома.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада бошқа маълумотлар қаторида фаолият тури ва гувоҳноманинг амал қилиш муддати кўрсатилади (рўйхатга олиш пайтида эълон қилинган ахборот асосида). Агар кейинчалик у бошқа фаолият тури билан шуғулланишга қарор қилса, рўйхатдан ўтказувчи органга тегишли ариза билан яна мурожаат қилиши керак. Бунда (фаолият тури ўзгарган тақдирда) давлат божи тўлаш назарда тутилмаган. Якка тартибдаги тадбиркор фаолият турини ўзгартирганда унга қўйиладиган асосий шарт – унда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги амал қилаётган гувоҳноманинг мавжудлиги.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддатини узайтириш тушунчаси амалдаги қонунчиликда назарда тутилмаган. Унинг амал қилиш муддати тугагач, якка тартибдаги тадбиркор яна рўйхатга олувчи органга мурожаат қилиши ва белгиланган тартибда рўйхатга олиш таомилини бажариши керак, шундан сўнг унга янги гувоҳнома берилди. Бу ҳолда у қонунчиликда белгиланган тартибда ЭКИХнинг 2 баравари миқдорида давлат божи тўлаши шарт (ВМнинг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг 9-банди).

Артём АДЕЕВ,
«Norma» МЧЖ эксперт-юристи.

*Президентнинг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида» қарорига (2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон, бундан кейин – Низом) илова.

? Ягона ижтимоий тўлов қандай қилиб тўғри ҳисоблаб ёзилишини тушунтириб берсангиз.

Энг кам иш ҳақининг бир бараваридан кам бўлмаган миқдордаги ЯИТ ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий ойлик фондидан ҳисоблаб чиқарилиши керакми? (Масалан, январь учун иш ҳақининг умумий фонди 9 000 000 сўмни ташкил қилди. Ишловчилар сони – 63 та. Ўртача иш ҳақи бир кишига 142 857 сўмни ташкил қилади (9 000 000 / 63 = 142 857 сўм). 24%лик ЯИТ 34 285,58 сўм миқдорида ҳисоблаб ёзилади, бу эса ўрта ҳисобда бир ходимга ЭКИХнинг бир бараваридан кўпроқни ташкил қилади).

Ёки ягона ижтимоий тўлов меҳнатга ҳақ тўлашнинг умумий ойлик фондидан эмас, балки ҳар бир муайян ходимнинг иш ҳақидан ЭКИХнинг бир бараваридан кам бўлмаган миқдори ташкил этиши керакми?

• РЕКЛАМА

МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб
офис
тиббиёт
металл каркаста
ошхона буюртмага



тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz

НОРМА МАСЛАХАТЧИ




«Салис» ХФ Олмалик шахридаги мавжуд ишлаб чиқариш объектида янчилган мрамар (заҳар чиқармайдиган, зарарсиз, юқори даражада тоза бўлганида озиқ-овқат маҳсулотлари билан контакта истеъмол учун рухсат берилган материаллар олиш имконини беради, ҳидсиз ва ҳоказо) ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Қайта ихтисослаштириш ва иморатнинг ташқи ҳамда ички конструкцияларини ўзгартирмасдан туриб мавжуд цех биносини реконструкция қилишга рухсат олиш учун қаерга мурожаат қилиш лозим?

Рухсат олиш учун мурожаат қилиш, ҳужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиби қандай?

Қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга мазкур рухсатни олиш учун қандай ташкилотларнинг хулосаси талаб қилинади?

Директор.

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ
ОМБОРДАН
ЦЕХ ҚИЛСА БЎЛАДИ

– Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида низомнинг (ВМнинг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарорига 1-илова, бундан кейин – Низом) 6 ва 7-бандларига мувофиқ объектларни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш учун зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида расмийлаштириш тадбиркорлик субъектларини аризасига кўра туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари (бундан кейин – Инспекция) томонидан таъминланади. Бунда давлат божи ундирилмайди.

Ариза берилган санадан бошлаб рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилгунча умумий муддати техник шартларни ва бошқа ҳужжатларни бериш билан боғлиқ ишларнинг мураккаблиги ва сермехнатлиги даражасига қараб 7 иш кунидан 1 ойгача доирада белгиланади. Тегишли рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирганлик учун ваколатли органлар хизматларига ҳақ тўлаш

фақат Инспекция орқали амалга оширилади.

Объектни қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш учун аризада Низомнинг 1-иловасига биноан шаклда Инспекцияга ариза топширади. Унга лойиҳа ҳужжатлари ёки мавжуд объектка доир кадастр ҳужжатларининг нусхалари илова қилинади. Ўша кунидёқ Инспекция туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимига) тегишли буюртманома ҳамда мавжуд объект бўйича тақдим этилган ҳужжатларни юборди, бошқарма, Низом III бўлими Б кичик бўлимининг 41-бандига кўра, Инспекция ҳужжатлар пакетини тақдим этганидан кейин 2 кун мобайнида объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш имкониятини ўрганиши керак.

Объектни муҳандислик таъминоти бўйича юкламалар ҳажмларини ўзгартирмасдан қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш имконияти бўлганда архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) кўрсатиб ўтилган муддатда Инспекцияга тегишли рухсатномани юборди, Инспекция унинг асосида 1 кун мобайнида Ергеодезкадастр дав-

лат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизматида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишни амалга оширади.

Агар қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилиш мумкин бўлмаса, Инспекцияга асосланган рад жавоби ва қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари кўрсатилган ёзма хабарнома юборилади. Инспекция унинг асосланганлигини ўрганиб чиқади. Рад этишнинг асосизлиги аниқланган тақдирда у ҳужжатларни архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимига) қайтаришга ҳақлидир, бошқарма (бўлим) расмийлаштириш масаласини 1 кун мобайнида ҳал этиши керак.

Рад этиш асосли бўлганда Инспекция рад жавоби олинган кундан кейинги кундан кечикмай бу ҳақда ариза берувчига ёзма шаклда маълум қилади. Қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсат беришнинг рад этилиши устидан ариза берувчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Муҳандислик таъминоти бўйича юкламалар ҳажмини ўзгартирмасдан ва ўзгартирган ҳолда қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш имконияти объектларнинг техник ҳолати ва нимага мўлжалланганидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) томонидан аниқланади.

Низомнинг 40-бандига мувофиқ объектни қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш аризасига илова қилинадиган лойиҳа ҳужжатларини сиз мустақил равишда (тегишли лицензия бўлса) ёки лойиҳалаш ташкилотини жалб этиб ишлаб чиқишингиз мумкин. У билан шартнома тузишнинг мажбур шарт бўлиб лойиҳалаш ташкилотининг қуйидаги мажбурияти ҳисобланади:

– лойиҳа-смета ҳужжатларини Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишиш;

– қуйидаги идораларда: Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси; туман санитария-эпидемиология хизмати; туман ёнғиндан сақлашни назорат қилиш хизмати;

туман табиатни муҳофаза қилиш органида келишилган лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш.

ЁҒОЧГА ОИД ҲИСОБ-КИТОБЛАР



Мен якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилганман, тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келиш билан шуғулланаман.

Шартномага кўра мен 2009 йил февралда Россия Федерациясидан бир вагон ёғоч олиб келдим. Бу вақтга келиб унинг нархлари анча тушиб кетди. Натижада биз фойда ўрнига зарар кўрдик. Ёғоч харид қилишга мен корхона – улгуржи савдо билан шуғулланишга лицензия бўлган юридик шахснинг соҳиби бўлган танишимдан кредит олганман.

Агар мен улар кредитини узсам, ёғочни қайд этиш учун кредитор қандай ҳаракатлар қилиши керак? Корхона устав фондини кўпайтириш мақсадида ёғочни қабул қилиши мумкинми? И.Фуломов.

– Фуқаролик кодексининг 342-моддасига мувофиқ сиз кредитор билан шартнома тузиб, ёғочни топшириш кўринишида воз кечиш ҳақини бериш билан қарз маблағларини қайтариш борасида вужудга келган мажбуриятингизни бекор қилишингиз мумкин.

Фуқаролик кодекси 58-моддасининг тўққизинчи қисмига мувофиқ сиз юридик шахснинг устав фондида ёғочни мулк қилиш ҳисса сифатида киритишга ҳақлисиз. Бироқ бунда сизнинг қарз мажбуриятингиз тугатилмайди.



Мақола электрон маълумотнома тизим материаллари асосида тайёрланди

КОРХОНА ЮРИСТИ

Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Х.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

Артём ОТСТАВНОВ, «Norma» МЧЖ эксперт-юристи.

Амалий солиқ солиш

ЎРТАЧА ҲИСОБЛАЙМИЗ

– ЯИТ Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомга (МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 2009 йил 17 февралда 1906-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – Низом) мувофиқ ҳисоблаб чиқарилади.

ЯИТ унинг базавий миқдоридан кам бўлмаслиги керак, у Низомнинг 3-бандига кўра **жами корхона бўйича барча ходимлар** – меҳнат шартномалари ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлаган жисмоний шахслар томонидан ҳисобот ойда ҳақиқатда ишланган кунлардан келиб чиқиб аниқланади. Шу тариқа, ЯИТнинг базавий миқдори корхонанинг ҳар бир ходими бўйича алоҳида эмас, балки унинг барча ходимлари бўйича **ўртача** ҳисоб-китоб қилинади.

МИСОЛ. Корхонада 2 киши ишлайди. Унда 5 кунлик иш ҳафтаси белгиланган. Ҳисобот ойда 5 кунлик иш ҳафтасида 21 иш кун бор эди. Иккала ходим тўлиқ ой ишлаган.

Ходим	Ишланган кунлар сони	Ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи	ЯИТ (24%)
1	21	120 210	28 850,4
2	21	430 540	103 329,6
Жами			132 180

24%лик ставка бўйича ҳисоблаб чиқарилган бир ой учун ЯИТ суммаси 132 180 сўмни ташкил қилади.

Энг кам иш ҳақининг миқдори 1 августда 33 645 сўмни ташкил қилади (Президентнинг 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сон Фармони). Бинобарин, ЯИТнинг базавий миқдори суммаси бир ой учун 67 290 сўмни ((21 + 21)/21 x 33 645 сўм) ташкил қилади.

24%лик ставка бўйича ҳисоблаб чиқарилган ягона ижтимоий тўлов суммаси ЯИТнинг базавий миқдори суммасидан катталиги боис, тегишинча, 132 180 сўм тўланиши керак, бунда ходимларнинг бири бўйича 24%лик ставка бўйича ҳисоблаб чиқарилган ЯИТ суммаси энг кам иш ҳақининг бир бараваридан камлиги аҳамиятга эга эмас.

Жавоб «Norma Ekspert» гуруҳи мутахассислари томонидан тайёрланди.

ЭКИХдан КЕЛИБ ЧИҚИНГ



Мен пенсияга чиққан бўлсам ҳам ишлайман, Жиззах шаҳрида яшайман. Президентнинг жорий йил августидан пенсияларни 25 фоизга ошириш тўғрисидаги Фармони асослашиб, қайта ҳисоб-китобни ишхонага тақдим этиш учун пенсиямни қайта ҳисоблашларини сўраб Жиззах шаҳар ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилдим. Пенсиямни қайта ҳисоблашди, бироқ 25%га эмас, балки 20%га оширишди. Шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ҳам, вилоят ижтимоий таъминот бўлими ҳам пенсиямни кўпайтириш фоизи нега пасайтирилганлигини асосли қилиб тушунтириб бермади. Балки, бу хусусда сизлар тушунтириш берарсизлар? Р.Забусова.

– Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг пенсия таъминоти бошқармаси Р.Н.Забусованинг хатига жавобан қуйидагиларни маълум қилади.

Пенсия таъминоти Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни меъёрларига мувофиқ амалга оширилади, унда пенсияларни ёшга қараб, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик бўйича тайинлаш назарда тутилган. Пенсиянинг миқдори ўртача ойлик иш ҳақи миқдориغا ва умумий иш стажига давом этганлигига боғлиқдир.

Ёшга доир пенсия, умумий касалланиш оқибатидаги I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияси ўртача ойлик иш ҳақининг таянч 55 фоизи миқдорида, лекин республикада белгиланган ёшга доир энг кам пенсиянинг камида 100 фоизи миқдорида белгиланади ва пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун пенсия пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизига оширилади.

Сўнгра, устамага доир ҳуқуқнинг мавжудлигига боғлиқ ҳолда, Қонуннинг 28-моддасида назарда тутилган устамалар белгиланади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун ўртача ойлик иш ҳақи пенсия йиғмажилдида мавжуд бўлган иш ҳақларига тузатиш коэффициентларини қўллаш йўли билан белгиланади. Агар у республикада белгиланган энг кам иш ҳақидан паст бўлса, пенсия ана шу энг кам иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади. Агар таянч иш ҳақи энг кам иш ҳақининг 8 баравари суммасидан ошса, иш ҳақи, юқорида кўрсатилган Қонун 31-моддасининг талабларига мувофиқ, энг кам иш ҳақининг 8 баравари суммаси билан чекланади ва ушбу суммадан, Қонун меъёрларига мувофиқ, пенсия миқдори ҳисоблаб чиқарилади.



ЭКСПЕРТИМИЗНИНГ ҚЎШИМЧАСИ

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг (1993 йил 3 сентябрдаги 938-XII-сон, бундан кейин – Қонун) 49-моддасига мувофиқ, энг кам иш ҳақининг миқдори ўзгарган тақдирда пенсия қайта ҳисоб-китоб қилиниши керак. Пенсия таъминоти қайта ҳисоб-китоб қилишлари тўғрисида ана шундай ҳуқуқ вужудга келган пайтдан бошлаб исталган вақтда мурожаат қила олади.

2009 йилнинг 1 августидан бошлаб Президентнинг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» Фармони (2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сон, бундан кейин – Фармон) билан энг кам иш ҳақи миқдори 33 645 сўм этиб белгиланган. Пенсия Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-4119-сон Фармони бўйича Пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисида йўриқномада назарда тутилган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилинади (МАИМКВ ва МВнинг АВ томонидан 2009 йил 18 августда 1995-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – 1995-сон йўриқнома). Пенсия қайта ҳисобланадиган ўртача ойлик иш ҳақини тенглаштириш учун йилга бўйича дифференцияланган янги тузатувчи коэффициентлар ўрнатилади (1995-сон йўриқномага илова).

Иш ҳақи оширилиши муносабати билан пенсияни қайта ҳисоб-китоб қилишни қуйидаги маълумотлар билан мисолда кўриб чиқамиз: ўртача ойлик иш ҳақи – 752 917 сўм; меҳнат стажы – 34 йил 5 ой. Пенсиянинг таянч миқдори талаб қилингандан ортиқча стажнинг ҳар бир тўлиқ йили учун оширилади (Қонуннинг 27-моддаси). Мазкур ҳолда талаб қилингандан ортиқча стаж 14 йилни ташкил қилади. Пенсия ҳисоб-китоби учун энг кам иш ҳақининг саккиз

Расмий жавоб

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» Фармони мувофиқ 2009 йилнинг 1 августидан пенсияларнинг миқдори ўртача 1,25 баравар оширилди. Бунда энг кам иш ҳақининг миқдори 28 040 сўмдан 33 645 сўмга, ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори 55 550 сўмдан 66 660 сўмга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги Фармони кўра фуқаро Р.Н.Забусова 2009 йилнинг 1 августидан, унинг 34 йил 5 ойлик умумий иш стажы ва ҳақиқатда ўртача ойлик иш ҳақи 752 917 сўм бўлганлигидан келиб чиқиб, пенсия 185 720 сўм 40 тийин миқдорида қайта ҳисобланди.

Пенсия ҳисоб-китоби учун, юқорида кўрсатилган Қонуннинг 31-моддасига мувофиқ, энг кам иш ҳақининг саккиз баравар миқдорида ошмайдиган суммадаги иш ҳақи (2009 йилнинг 1 августидан бошлаб 33 645 сўм х 8 = 269 160 сўм) қабул қилинади.

Пенсия ҳисоб-китоби қуйидаги тартибда амалга оширилган:

$269\,160 \times 55\% = 148\,038$ (талаб қилинаётган стаж учун таянч пенсия – 20 йил);

$269\,160 \times 14\% = 37\,682,4$ (талаб қилинаётган стаждан ортиқча 14 йил учун қўшиш);

$148\,038 + 37\,682,4 = 185\,720$ сўм 40 тийин (пенсиянинг умумий миқдори).

Пенсиянинг қайта ҳисоб-китоби «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун қоидалари ва меъёрларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони мувофиқ амалга оширилган.

А.МУМИНОВ,

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги пенсия таъминоти бошқармасининг бошлиқ ўринбосари.

бараваридан ошмайдиган сумма олинади¹. Фармон кучга киргунга қадар пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган энг кам иш ҳақи 224 320 сўмни (28 040 сўм² х 8) ташкил қилган. 1 августдан у 269 160 сўмни (33 645 сўм х 8) ташкил этади.

Қайта ҳисоб-китобгача:

$224\,320 \times 55\% = 123\,376$ сўм (таянч пенсия миқдори);

$224\,320 \times 14\% = 31\,404,8$ сўм (талаб қилингандан ортиқча стаж учун қўшиш);

$123\,376 + 31\,404,8 = 154\,780,8$ сўм (пенсия миқдори).

Қайта ҳисоб-китобдан сўнгра:

$269\,160 \times 55\% = 148\,038$ сўм (таянч пенсия миқдори);

$269\,160 \times 14\% = 37\,682,4$ сўм (талаб қилингандан ортиқча стаж учун қўшиш);

$148\,038 + 37\,682,4 = 185\,720,4$ сўм (пенсия миқдори).

Мисолдан кўриниб турибдики, қайта ҳисоб-китобдан кейин пенсия 30 939,6 сўмга (185 720,4 – 154 780,8), яъни илгари тайинланган пенсия миқдори қараганда 20 фоизга кўпайган.

Буни шундай изоҳлаш мумкинки, 2009 йил 1 августдан 33 645 сўмга етган аввалги энг кам иш ҳақи (28 040 сўм) деярли 20 фоизга ошган. Пенсиянинг ҳисоб-китобининг асосида айти ЭКИХ ётганлиги боис, у ҳам энг кам иш ҳақи мутаносиб равишда кўпайган.

Пенсия ҳисоблаб чиқарилаётган ўртача ойлик иш ҳақининг энг кам иш ҳақининг 8 баравар миқдорида ошмаганда эди, ҳисоб-китоб пайтида тузатиш коэффициентлари қўлланган бўларди, улар айти пайтда ўртача 1,25 баравар кўпайган³.

Мария ТУХТАРОВА,


«Норма» МЧЖ юристи.



Мақола электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди.

НОРМА ПЕНСИЯЛАР. НАФАҚАЛАР. ИМТИЁЗЛАР

- Пенсия таъминоти масалалари.
- Нафақалар, имтиёзлар, компенсация.
- Ҳисоб-китоб қилишга мисоллар, қонун ҳужжатлари, тушунтиришлар ва бошқа кўплаб маълумотлар.



Ҳарид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш. М.Улуғбек тумани, Х.Олимжон кўчаси, 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс (998 71) 237-45-29. E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz.

ҚАЙТА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНМАЙДИ



54 ёшга тўлишим муносабати билан пенсиямни қайта ҳисоб-китоб қилиш хусусида савол бермоқчиман. Мен педагогман, 25 йиллик педагогик стажим бор, 50 ёшга тўлганимда имтиёзли пенсия ола бошладим. Бу йил 54 га кираман. Марҳамат қилиб айтсангиз, бу ҳолда пенсиямни қайта ҳисоб-китоб қилдиришим мумкинми?

Пенсионер аёл.

– «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг (1993 йил 3 сентябрдаги 938-XII-сон) 49-моддасига мувофиқ, пенсияларни қайта ҳисоблаш:

пенсионер пенсия миқдори таъсир кўрсатувчи (пенсия тайинланишигача бўлган иш стажы ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳамда бошқа) қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда;

ногиронлик гуруҳи ўзгарганда; боқувчисини йўқотганлик пенсияси оладиган оила аъзолари сони ўзгарганда;

энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарган тақдирда;

минтақавий коэффициент белгиланган (бекор қилинган) ёки унинг миқдори ўзгарган тақдирда;

даромадлар индексация қилинган тақдирда амалга оширилади.

Кўриб турибсизки, ушбу рўйхат пенсия ёшининг бошланиши муносабати билан пенсияни қайта ҳисоб-китоб қилишни назарда тутмайди. Илгари амал қилган тартибга мувофиқ имтиёзли пенсияга чиққан пенсионерлар умумбел-

гиланган ёшга етганда имтиёзли пенсия тайинланганидан кейин ишланган йилларни ҳисобга олган ҳолда пенсияни қайта ҳисоб-китоб қилдириш ҳуқуқига эга эдилар. Ҳозирда эса, амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, меҳнат стажы фақат пенсия тайинланишига қадар ҳисобга олинади ва пенсия тайинланганидан кейин иш вақти пенсия миқдорини оширадиган стажга қабул қилинмайди. Бинобарин, **пенсия қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.** Шу сабабли имтиёзли пенсия тайинланиш (умумбелгиланган ёшни камайтириш) ҳуқуқига эга бўлган шахслар имтиёздан фойдаланишдан аввал барча жиҳатларни пухта ўйлаб кўришлари керак. Чунинчи, кўриб чиқилаётган ҳолда, агар фуқаро имтиёздан 50 ёшда эмас, балки 54 ёшда фойдаланганида, унинг пенсия тайинлаш пайтида ҳисобга олинadиган стажы 25 йилни эмас, балки 29 йилни (имтиёзли ёшни ҳисобга олган ҳолда) ташкил этган бўларди.

Мария ТУХТАРОВА,
«Норма» МЧЖ юристи.

Хориж қонунчилиги

БОЛАНИ

ПАРВАРИШЛАШ МУДДАТИ

Россияда ижтимоий нафақаларни тўлашнинг янги қоидалари амал қилмоқда. Нафақалар миқдорини ҳисоблашда узлуксиз меҳнат стажы ўрнига суғурта стажы – мажбурий ижтимоий суғурталанганлик муддати эътиборга олинмоқда. Ҳозир суғурта стажига меҳнат қилган йиллари билан бирга ота-онадан бирининг ҳар бир фарзандини бир ярим ёшга тўлгунча парваришлаши муддати ҳам ҳисобга киритилапти.

Бироқ стажга болани парваришлашдаги уч йилгина қўшиляпти. Яъни учта ёки ундан кўпроқ фарзанд туғилган тақдирда суғурта стажы барибир кўпаймайди. Бундай меъёр туғилишни оширишга имкон яратмайди, шу боис Пермь парламенти аъзолари «РФда меҳнатга доир пенсиялар тўғрисида»ги Қонунга тузатишларни Давлат думасига киритди. Қонун лойиҳасида суғурта стажига киритилadиган болани парваришлаш муддатини тўрт ярим йилга ошириш таклиф этилган (**тахририятдан** – Ўзбекистонда пенсияни тайинлаш учун аёлларнинг меҳнат стажига ҳар бир болага уч йилдан, бироқ у мазкур муддатда болани парваришлаш таътилида бўлганлиги ёки ишлаганлигидан қатъи назар жами олти йил ҳисобга олинади).

БАНКРОТЛИКДАН ҚУТҚАРИНГ

Банкротлик ёқасида турган ташкилотлар ходимлари кўпинча иш ҳақи олишолмайди.

Буни бартараф этиш мақсадида Россияда амалдаги банкротлик тўғрисидаги қонунни «имтиёзли кредитор» тушунчаси билан тўлдириш таклиф этилди. Бунда меҳнаткашлар корхона билан ҳисоб-китобларни бошқа кредиторлардан (шу жумладан давлат ва ижтимоий жамғармалардан) олдин олишлари назарда тутилади. Бундан кейин эса солиққа оид қарз, жамғармалар ва бошқа кредиторлар олдидаги қарзлар сўндирилади. Россия қонунчилигига тегишли тузатишлар тайёрлаб бўлинди, улар Давлат думасига киритилиш арафасида турибди.

Хорижий матбуот материалларидан.

¹Кўриб чиқилаётган мисолда пенсия ҳисоб-китоби учун қабул қилинаётган иш ҳақи ЭКИХнинг 8 бараваридан ошадди. Шу сабабли мисолда тузатиш коэффициентларини қўллаш кўрсатилмаган (чунки ҳар қандай ҳолда сумма 8 ЭКИХ билан чекланади).

²ЭКИХ Президентнинг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» Фармони (2008 йил 22 октябрдаги ПФ-4042-сон) билан белгиланган.

³Пенсияларни қайта ҳисоблашда ўртача ойлик иш ҳақини тенглаштириш учун қўлланиладиган тузатувчи коэффициентлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-4042-сон Фармони бўйича Пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисида йўриқномага (МАИМКВ ва МВнинг АВ томонидан 2008 йил 5 ноябрда 1867-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган) ва 1995-сон йўриқномага иловаларда келтирилган.

ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИЛИКЛАР

ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Ўзбекистон Республикасига грантли беғараз техник кўмакни жалб этишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида».

• ИДОРАВИЙ-МЕЎЁРИЙ ХУЖЖАТЛАР:

– ЎзР ВМ ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, МАИМКВ, МВнинг «Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисида»ги қарори;

– ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлиғининг «2006 йил 19 июндаги 517-сонли ва 2007 йил 22 февралдаги 12-сонли буйруқларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги буйруғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ГРАНТЛИ БЕҒАРАЗ ТЕХНИК КЎМАКНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 43-сон, 457-модда)

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар, донор мамлакатларнинг беғараз техник кўмаги доирасида Ўзбекистон Республикасига грантлар жалб этиш ҳажмини янада кўпайтириш, шунингдек грантларни жалб этишга доир ишлар мақсадга йўналтирилган тарзда ва самарали олиб борилиши учун вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари ва мансабдор шахсларини рағбатлантиришни кучайтириш ва уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасига иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун беғараз техник кўмакни (грантларни) жалб этишни ташкил қилишнинг, шунингдек ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун ҳисоб ва назоратнинг ягона яхлит тизими яратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикасига беғараз техник кўмак (грантлар)ни кенг жалб этиш бўйича ташаббус кўрсатиш ишлари тизимли асосда олиб борилиши, шунингдек кўрсатиб ўтилган маблағлардан қатъий мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ташкилотлар раҳбарларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблансин.

2. Қуйидаги тартиб белгилансин, унга мувофиқ вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари:

грантларни жалб этиш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича ташаббус кўрсатиб ва самарали ишлашни тизимли асосда олиб борганлиги учун, лойиҳанинг аҳамияти ва шахсий улуш ҳисобга олинган ҳолда, ҳисобот ярим йили ва йил якунлари бўйича бир лавозим маошидан беш лавозим маошигача миқдорда мукофотланади;

грантлар жалб этиш иши зарур даражада ташкил этилмаганлиги, лойиҳа таклифлари ўз вақтида ва сифатли тайёрланмаганлиги, лойиҳаларни амалга оширишнинг зарур самарадорлиги таъминланмаганлиги, шунингдек жалб этилган грант маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Мукофотларнинг аниқ миқдорлари ва мукофотланадиган мансабдор шахслар рўйхати ҳар бир аниқ лойиҳа бўйича тегишли тузилмаларнинг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аниқлаштирилади ва тасдиқланади.

3. Ўзбекистон Республикасига жалб этиладиган техник кўмак ҳажмлари тизимли асосда кўпайтирилишини таъминлаганлиги учун вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва масъулиятини ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев, Вазирлар Маҳкамаси Бош вазирининг ўринбосарлари — Комплексларнинг раҳбарлари техник кўмак лойиҳаларини (грантларни) жалб этиш ва амалга ошириш масалалари, шу жумладан лойиҳа таклифлари сифатли тайёрланиши, улар ўз вақтида келишилиши, молиялаштириш жалб этилиши, шунингдек маблағлардан самарали фойдаланилиши учун мутасаддилик қилинадиган вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг шахсий ҳисоботларини ҳар чорақда эшитсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган:

2009 йилнинг II ярим йиллигида жалб этиладиган грантлар, халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда донор мамлакатлар билан келишилган беғараз техник кўмак бўйича устувор лойиҳаларнинг аниқ рўйхати 2-илова*га мувофиқ;

2010-2011 йилларда халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда донор мамлакатлар томонидан молиялаштириш таклиф этилаётган беғараз техник кўмак бўйича устувор лойиҳаларнинг йиғма рўйхати 3-илова*га мувофиқ маъқуллансин.

2 ва 3-иловаларда кўрсатиб ўтилган вазирликлар ва идораларнинг раҳбарларига мутасаддилик қилинадиган тармоқларга техник кўмакни жалб этиш бўйича тизимли ишлар зарур тарзда ташкил этилиши, лойиҳа таклифлари сифатли тайёрланиши, лойиҳалар ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

*2 ва 3-иловалар берилмайди. Иловаларнинг тўлиқ матни билан www.porma.uz сайтидаги эркин қирладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 3-иловада назарда тутилган аниқ лойиҳаларни молиялаштириш масалалари потенциал донорлар билан келишилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишган ҳолда, зарурият бўлганда, 3-иловада белгиланган рўйхатга ва лойиҳалар параметрларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2-иловага мувофиқ беғараз техник кўмак (грантлар) бўйича маъқулланган устувор лойиҳаларни пухта ишлаш ва амалга ошириш жараёни самарали мувофиқлаштирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда грант маблағларидан техник кўмак лойиҳалари амалга оширилиши учун масъул бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан мақсадли фойдала-

нилиши устидан қатъий объектма-объект назорат ўрнатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда хорижий инвестицияларни жалб этиш, шу жумладан, биринчи навбатда, ушбу қарорда белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш учун техник кўмак маблағларини (грантларни) жалб этиш бўйича чет элдаги дипломатик ваколатхоналар ишини фаоллаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.**

Тошкент ш.,
2009 йил 20 октябрь
275-сон.

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 20 октябрдаги 275-сон қарорига
1-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIGA ЖАЛБ ЭТИЛАДИГАН ТЕХНИК КЎМАК ҲАЖМЛАРИ ТИЗИМЛИ АСОСДА КЎПАЙТИРИЛИШНИ ТАЪМИНЛАГАНЛИГИ УЧУН ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом халқаро молиявий иқтисодий институтлар ҳамда донор мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикасига жалб этиладиган беғараз техник кўмаги (кейинги ўринларда грантлар деб юритилади) ҳажмини кўпайтириш тизимли асосда таъминланганлиги учун вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва масъулиятини ошириш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикасига грантларни жалб этиш жараёнидаги фаол иштироки учун рағбатлантириш ва тақдирлаш тизими Ўзбекистон Республикасига грантларни жалб этиш жараёнида бевосита қатнашадиган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқлари ва ходимлари, халқаро молиявий институтлардаги Ўзбекистон Республикасидан бошқарувчилар офисларининг мансабдор шахслари учун белгиланади.

3. Рағбатлантириш ва тақдирлаш ходимлар меҳнатини рағбатлантиришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа усуллари билан биргаликда махсус пул тўловлари (кейинги ўринларда «мукофотлаш» деб юритилади) шаклида белгиланади.

4. Қуйидагилар мукофотлаш учун маблағлар манбалари ҳисобланади:

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар учун — бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси маблағлари, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар; хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар учун — ўз маблағлари.

II. ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIGA ГРАНТЛАР ЖАЛБ ЭТИШ ҲАЖМИ КЎПАЙИШНИ ТИЗИМЛИ АСОСДА ТАЪМИНЛАЁТГАН ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

5. Рағбатлантириш чора-тадбирларини қўллаш учун қуйидагилар Ўзбекистон Республикасига грантлар жалб этиш жараёнида аниқ ҳар бир ходимнинг иштироки даражасини баҳолашнинг асосий мезонлари ҳисобланади: грантларни жалб этиш масалаларида ташаббус кўрса-

тиш, уюшқоқлик ва изчиллик, беғараз техник кўмак лойиҳаларини олға силжитиш;

грантни жалб этиш ёки лойиҳани амалга ошириш жараёнида техник-иқтисодий асослаш ва техник-иқтисодий ҳисоб-китобни, бошқа лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашнинг сифат даражаси;

лойиҳани амалга ошириш жараёнига қўшилган шахсий улуш;

лойиҳа билан унинг параметрларида белгиланганига қараганда самарадорлиқнинг юқориқ кўрсаткичларига эришиш.

6. Грантларни жалб этиш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича ташаббус кўрсатиб ва самарали ишлаш тизимли асосда олиб борилганлиги учун, лойиҳанинг аҳамияти ва шахсий улуш ҳисобга олинган ҳолда, ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мезонларга мувофиқ вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари ҳисобот ярим йили ва йил якунлари бўйича лавозим маошларининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда мукофотланади.

7. Мукофотларнинг аниқ миқдорлари ва мукофотланган мансабдор шахслар рўйхати ҳар бир аниқ лойиҳа бўйича тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аниқлаштирилади ва тасдиқланади.

Мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат асосда:

мансабдор шахсларни мукофотлаш — вазирлик, идора, ташкилот раҳбарининг буйруғига мувофиқ;

вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарларини мукофотлаш — мутасаддилик қиладиган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари қарорига мувофиқ амалга оширилади.

III. ГРАНТЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ИШИ ЗАРУР ДАРАЖАДА ТАШКИЛ ЭТИЛМАГАНЛИГИ УЧУН ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ ТАРТИБИ

8. Вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахслари:

грантларни жалб этиш иши зарур тарзда ташкил этилмаганлиги, бу лойиҳа ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлашга, лойиҳани амалга ошириш самарадорлигига, грантлар жалб этиш прогнозлари бажарилишига бевосита таъсир этганлиги;

лойиҳа таклифлари ўз вақтида ва сифатли тайёрланмаганлиги;

республика Ҳукумати томонидан, грантлар ажратиш тўғрисидаги битимлар, лойиҳа параметрлари билан белгиланган грантларни жалб этиш муддатлари ва лойиҳаларни амалга ошириш муддатлари барбод қилинганлиги;

лойиҳани амалга ошириш шартлари бузилганлиги муносабати билан лойиҳанинг параметрларида белгиланган самарадорлик кўрсаткичларига эришилмаганлиги;

жалб этилган грант маблағларидан бошқа мақсадда фойдаланилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

9. Ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган қоида бузилиши учун Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ташкилотларининг раҳбарлари ва мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий жазонинг қуйидаги чоралари қўлланилиши мумкин:

мукофотдан маҳрум қилиш;

ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизигача миқдорда жарима солиш;

хайфсан бериш;

эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш.

10. Интизомий жазо чоралари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг грантлар жалб этилиши ва лойиҳалар амалга оширилиши тўғрисидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда:

мансабдор шахсларга — вазирлик, идора, ташкилот раҳбарининг буйруғига мувофиқ;

вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарларига — мутасаддилик қиладиган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари қарорига мувофиқ қўрилади.

11. Аниқ бир ижрочилар томонидан грантларни жалб этиш юзасидан амалга оширилган тадбирлар натижалари тегишли вазирликлар ва идоралар ҳайъатларида танқидий кўриб чиқилади.

12. Грантларни жалб этиш масалалари бўйича вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари ҳар чорақда мутасаддилик қиладиган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари томонидан эшитилади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЎМИТАСИ, МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ**

**БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИГА ФУНДАМЕНТАЛ, АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ВА ИННОВАЦИОН ИШЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА
ОШИРИШДА ҚАТНАШУВЧИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИ ИЛМИЙ ВА
РАҲБАР ХОДИМЛАРИНИНГ БАЗАВИЙ ЛАВОЗИМ МАОШЛАРИ МИҚДОРЛАРИНИ
ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2019.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 43-сон, 459-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 28-сон, 324-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сонли «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 34-сон, 370-модда) бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сонли қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг

базавий лавозим маошлари миқдорлари 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб амал қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари иловага мувофиқ ўзгартирилсин.

3. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг иш ҳақларини 2009 йил 1 январдан амалга киритилган ҳамда 2009 йил 1 августдан ўзгартирилган базавий лавозим маошлари миқдорини ҳисобга олган ҳолда 2009 йилнинг охиригача қайта ҳисобланишини ва тўланишини таъминласин.

4. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Фан ва
технологияларни ривожлантиришни
мувофиқлаштириш кўмитаси раиси
Ш. САЛИХОВ.**

11-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.
А. ХАЙТОВ.**
59 Қ/Қ-сон

**Молия вазири
Р.АЗИМОВ.**
96-сон

Тошкент ш., 2009 йил 22 сентябрь.

*2009 йил 26 октябрдан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2009 йил 22 сентябрдаги 11, 59 Қ/Қ, 96-сонли қарорига
ИЛОВА

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИГА ФУНДАМЕНТАЛ, АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ВА ИННОВАЦИОН ИШЛАРНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТНАШУВЧИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИ ИЛМИЙ ВА РАҲБАР ХОДИМЛАРИНИНГ БАЗАВИЙ ЛАВОЗИМ МАОШЛАРИ МИҚДОРЛАРИ

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
1.	Институт директори	
	профессор	520 038
	фан доктори	498 911
	фан номзоди	477 899
2.	Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг директори	
	профессор	477 899
	фан доктори	460 920
	фан номзоди	440 299
3.	Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабораторияси (бўлими) мудир	
	фан доктори ёки профессор	460 920
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	440 299
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	423 434
4.	Филиал ва бошқа илмий муассасалар директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари	
	фан доктори ёки профессор	440 299
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	423 434
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	406 476
5.	Бош илмий ходим	
	профессор илмий унвонига эга бўлган фан доктори	440 299
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан доктори	423 434
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	406 476
6.	Ётақчи илмий ходим	
	илмий унвонга эга бўлган фан доктори	423 434
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	406 476
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	386 415
7.	Катта илмий ходим	
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	386 415
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	366 583
	илмий даражага эга бўлмаган	347 193
8.	Кичик илмий ходим	
	фан номзоди	366 583
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	347 193
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	327 964
9.	Тажриба ортирувчи тадқиқотчи	289 365

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ,
ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

**2006 йил 19 июндаги 517-сонли ВА 2007 йил 22 февралдаги 12-сонли
БУЙРУҚЛАРНИ ЎЗ КУЧИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ҲИСОБЛАШ ТЎҒРИСИДА***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1597-2.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 43-сон, 460-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги ПФ-4148-сонли Фармони асосан, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-212-сонли Қонун талабларининг икросини таъминлаш мақсадида **бу юраман:**

1. Департамент бошлигининг 2006 йил 19 июндаги «Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни мо-

лиялаштиришга қарши курашиш юзасидан ички назоратни амалга ошириш Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 517-сонли (рўйхат рақами 1597, 2006 йил 19 июль) ҳамда 2007 йил 22 февралдаги «Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш юзасидан ички назоратни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» буйруқнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақида»ги 12-сонли (рўйхат рақами 1597-1, 2007 йил 6 март) буйруқлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун мuddат ўтгач кучга киради.


Келишилган:

Марказий банк раиси
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.

З.ДУСАНОВ.
37-сон

Тошкент ш., 2009 йил 13 октябрь.

*2009 йил 26 октябрдан кучга киради.



ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 45 (226)

2009 йил 9 ноябрь

top



SANAY Co.Ltd

«SANAY» ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

КАФЕЛЬ

сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган


Тошкентдаги
омбордан сотилади

Тўлов – исталган
шаклда




Тошкент ш., Ҳамза тумани,
Султонали Машҳадий кўч., 210
(мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел: 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

МДХдаги ЭНГ йирик ишлаб чиқарувчилардан бири




АНДИЖОН
КАБЕЛЬ
ЗАВОДИ



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН


РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (қўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

САМАРАЛИ ХУЖЖАТ АЛМАШИНУВИ ВА ТЕЗКОР БОСМА УЧУН ЕЧИМ

- ✓ Konica Minolta рангли рақамли босма тизимлари
- ✓ Тўлиқ рангли ва монохром кўп функцияли офис тизимлари ҳамда Konica Minolta лазерли принтерлари
- ✓ RISO рақамли мини-босмаҳоналари
- ✓ ACCO Brands офис ускуналари



- Барча ускуналарга 1 йиллик кафолат
- Оригинал сарфлаш материаллари ва бутловчи буюмлар
- Фойдаланишнинг бутун даврида техник кузатув

ATK TURON - Konica Minolta, RISO, ACCO Brands нинг расмий ҳамкори

Тел./факс: 237 47 00, 237 48 00. E-mail: info@atcturon.uz, www.atcturon.uz

«Норма маслаҳатчи» газетасининг 2009 йил 18 майдаги 21(202)-сон 16-саҳифасидаги Собир Раҳимов туманидаги Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан умумий таомилда банкрот деб топилган ва тугатиш жараёни бошланган корхоналар рўйхати ҳақидаги эълонга қуйидаги ўзгаришлар киритилади:

«Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2009 йил 24 апрелдаги 10-0905/4801-6-сонли ҳал қилув қарорига асосан умумий таомилда банкрот деб топилган ва тугатиш жараёни бошланган Собир Раҳимов туманидаги «RUSB» ШЖ (СТИР 200849091)нинг думалоқ муҳр ва учбурчакли штамплари бекор қилиниши бекор қилинади».

Собир Раҳимов туман
ДСИ бошлиғи 1-ўринбосари И.М.Абдуқодиров.

Ташкилот нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича қуйидагиларни сотади

◆ ЛИФТЛАР 100 дан 5000 кг гача

◆ ТИКИЛИ АРМАТУРА: ЗУЛФИНЛАР, ВЕНТИЛЛАР, ЗАТВОРЛАР, КЛАПАНЛАР

- ◆ Дизель кўчма электростанцияси 60 кВт
- ◆ ВКР, ВО, ВЦ, «Самал» вентиляторлари
- ◆ Электр ва қўл насослари
- ◆ КТЦ саноат кондиционерлари
- ◆ Электроталлар, кран-балкалар
- ◆ Муз генератори
- ◆ «Россиянка» электр плиталари (4 конфоркали ва духовка)
- ◆ Зангламас қувурлар Ø57, эни 4 мм, Ø10, эни 2 мм
- ◆ Кир ювиш барабани, ФЯР, ФПУ ҳаво филтрлари
- ◆ КИД, КВУ, ГРП-40 клапанлари
- ◆ Ўт ўчирувчилар қўлқоплари, колонкалар ва гидрантлар

E-mail: kaspi64@bk.ru, тел.: 273-95-90, 175-81-56 (ўяли), тел./факс 273-83-86

«Интеграл стар» ХК таклиф қилади

ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган
Товарлар сертификатланган

Тўлов – исталган шаклда

Тел. 104-84-10, 303-16-46 факс 274-66-77

TOSOL АНТИФРИЗ

А-30, А-40, А-65


ва АМ-концентрат

1, 2,5, 5 кг лик канистралар,
200 кг лик бочкаларда

Тўлов НАҚД ПУЛСИЗ
ҲИСОБ-КИТОБ йули билан

Сақлаш муддати—5 йил

Товар патентланган ва сертификатланган



«TOSOL-N» МЧЖ – TOSOL-антифризининг ягона ишлаб чиқарувчиси.

Маҳсулот моноэтиленгликоль асосида тайёрланиб, ASTM D 3306-79 антифризи (АҚШ)нинг аналогига ҳисобланади. Мосламаларнинг юқори технологик пакети тўғрисида зангламасини барча турида совутиш тизимининг юқори самарали ҳимоясини таъминлайди. Таркибида фосфатлар, нитритлар, аминлар мавжуд эмас. Латунь, мис, лигирланган пўлат, чуян, алюмин, руҳли қотишмаларга нейтрал. А, Premium, BUSINESS тоифасидаги ҳамда юқори форсажли дизель двигателига эга бўлган автомобиллар талабларига жавоб беради.

Манзилимиз: Тошкент ш., Исмоил ота кўч., 1

Тел.: 300-64-14, 140-03-81, 268-14-26, 127-92-42

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ ва унинг виллоят филиалларида бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. РКМБ Марказий аппаратининг аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан (18.05.2009 йилдаги 9337/13-сонли ижро ҳужжати асосан) «Ўзбек-қийшлоқшасавдо» МЧЖга тегишли, Тошкент в., Чиноз тумани, Олмазор қўрғони, Самарқанд кўчасида жойлашган, умумий майдони 61 551,0 кв. м бўлган, база бино-иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 1 137 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2009 йил 9 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулклар 2009 йил 9 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчмас мулкларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2009 йилнинг 29 декабрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Шунингдек 2009 йил 24 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига СИБ томонидан такроран қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан (06.03.06 й., ЖСК-1-88/2006-сонли ижро ҳужжати асосан) қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: 1. Тошкент виллояти, Қибрай тумани, «Мичурин дала ҳовличилар» худудиде жойлашган, 67-сонли дала ҳовли. Бошланғич баҳоси – 504 978 077 сўм. 2. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Низомий кўчасидаги 12-уй, қурилиши тугалланмаган уй-жой. Бошланғич баҳоси – 293 489 559 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10%дан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисобрақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел. 228-7952.

II. РКМБ Андижон виллоят филиалининг аукцион савдосига Андижон ш. СИБ томонидан 05.11.2006 й. 17-0602-7560-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган Андижон ш., Бобур шоҳқўчаси, 87-уйда жойлашган «Баҳор» МЧЖга қарашли АА1, А21, А3-литерларда қаҳвахона бино ва иншоотлари, қурилиш майдони 912,68 кв. м. Бошланғич баҳоси – 82 703 496 сўм.

2. Андижон ш. 1-давлот нотариал идорасининг 10.06.2009 й. 4-435-сонли ижро хатига асосан хатланган «STB NUR ELIT» МЧЖ қардорлиги ҳисобидан «Металлтехмашсаноат» ЁАЖга қарашли Андижон ш., Чинобод қўчаси, 5-уйда жойлашган Г-литерда таъмирлаш биноси, қурилиш майдони 2 702,18 кв. м. Бошланғич баҳоси – 180 000 000 сўм, 50 дона «СТБ-180» русумли тўқув дастгоҳлари. Бошланғич баҳоси – 300 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 15 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги мулклар 2009 йил 15 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 5 январь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни (8-374) 224-48-53 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Андижон виллоят филиалининг «Асакабанк» виллоят бўлимидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 22622000200571452003, МФО: 00069, ИНН: 200933850. Манзил: Андижон ш., Навоий шоҳқўчаси, 30-уй. Телефон: (8-374) 224-48-53.

Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрозчилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Лицензия: DB 001 N0000004. www.rkmb.uz

«KORIFEY-AUDIT» МЧЖ

Барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари

Барча турдаги аудиторлик хизматлари

Хизматлар лицензияланган ва суғурталанган

Тел. 276-75-57. Тел./факс 276-97-76. Уяли тел. 108-30-16.
E-mail: korifev_aft@mail.ru. Бунёдкор шохкўчаси, 44, 404-офис
("Мирзо Улугбек" м.б.) Бухоро: 8(365) 522-11-38, 658-53-41,
Қарши 8(371) 705-09-41,
Хоразм 8(362) 513-34-52, Термиз 8(376) 277-56-61

"OSIYO-AUDIT" аудиторлик компанияси

Барча ҳўжалик юритувчи субъектларнинг аудиторлик текширувлари
Барча турдаги аудиторлик хизматлари

Сертификатланган аудиторлар ва бош бухгалтерлар доимий ишга таклиф этилади
Тел.: 236-11-60, факс 236-24-32, уяли 111-36-37. E-mail: osiyo-audit@mail.ru
Вилоятлардаги алоқа боғлаш телефонлари:
Нукус - (8-361) 350-40-35, Андижон - (+99897) 103-83-08, Бухоро - (8-365) 300-37-15,
223-20-40, Наманган - (+99899) 250-77-11, Навоий - (8-365) 300-37-15, 223-20-40,
Қарши - (8-365) 300-37-15, 223-20-40, Фарғона - (+99873) 502-95-74,
Хоразм - (8-361) 350-40-35.

ЭЪЛОНЛАР	ЭЪЛОНЛАР
КВАРТИРАЛАР Суткабай. Тел. 440-41-89.	Маслаҳат. Бухгалтерия ҳисобини тиклаш, юритиш. Тел.: 111-99-36, 336-77-67.
ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ "ТИФ ишлорқисми маълумотномаси" дастури. ТИФ ТН, тушунтиришлар, товар ҳақида маълумотнома. Батафсил маълумотлар www.mind-system.narod.ru да.	ХИЗМАТЛАР Видеокузатув тизимлари, сигнализациялар, ёнғиндан оғох қилиш сигнализацияларини ўрнатиш.* Тел.: 468-94-19, 527-63-98.
АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ Аудиторлик текширувлари. Бухгалтерия ҳисобини тиклаш.* Тел. 176-23-13.	Юқларни кузатиб бориш, объектларни муҳофаза қилиш, шахсий VIP-муҳофаза, ахборот хавфсизлиги, шошилинч ёрдам, хоналарни текшириш.* Тел.: 468-94-19, 527-63-98.
"SHARQIY MASLAK" аудиторлик ташкилоти аудиторлик текширувлари ўтказиш, малакали хизматлар кўрсатади. Сертификатланган аудиторлар ва САРни ишга таклиф этади.* Тел. 733-17-29, факс 250-37-75.	Корхоналар учун умумий овқатланишни ташкил этамиш. Тўлов нақд пулсиз ҳисоб-китоб, терминал орқали амалга оширилади. Тел. 102-10-20.
ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР Юридик хизмат кўрсатиш. Дебиторлик қарзини ундириш (натижаларга кўра ҳақ тўланади). Ҳўжалик, жиноят ишлари. "ASR ADVOKAT" АФ.* Тел.: (+99897) 330-45-71, (+99897) 100-47-33. Мўлжал - "Тинчлик" м.б.	"EVER-S" МЧЖ: принтерлар ва нусха кўчирувчи аппаратларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, лазерли принтерларни тўлдириш. Жойига чиқиш. Тел. 337-59-17.
ADVOKAT ELITE. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш. Судлар.* Тел.: 343-41-56, 448-74-69.	"ANREXPERT SERVIS" МЧЖ сифатли ва тезкор равишда картрижларни тўлдиради, принтерлар, компьютерлар, ксероксларни таъмирлайди. Тел. 319-84-09.
Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр.* Тел. 448-74-69.	Хужжатларни муқовалаш. Тел. 340-64-02.
БУХГАЛТЕРИЯ ХИЗМАТЛАРИ Бухгалтерия ҳисобини тиклаш. Баланслар. Маслаҳатлар. Тел. 100-65-80.	*Хизматлар лицензияланган.

ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси.
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

"AMIR-AUDIT" МЧЖ

- Ҳамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталимиз - ЎзРдаги 5000 ЭКИХдан ортиқ

САР сертификатига эга аудиторлар керак.

Тел: 409-04-23. Факс: 294-77-48

Хизматлар лицензияланган

РЕЛМОН-ГАРАНТ
адвокатлик бюроси

ҳўжалик юритувчи субъектларга ҳуқуқий ва юридик ёрдам

281-59-72, 919-11-39
919-39-10, 188-98-11

Бухгалтерлар ва аудиторларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш ўқув-услубий маркази

Хизматлар лицензияланган

Курслар ЎзР МВ тасдиқлаган дастурлар бўйича ўтилади
(ЎзР МВнинг 59-сон лицензияси)

АУДИТОРЛАР ТАЙЁРЛАШ
- 200 соат

АУДИТОРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
- 60 соат

Халқаро сертификатлаш дастури (САР) доирасидаги курслар

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ 1

БОШҚАРУВ ҲИСОБИ 1

СОЛИҚЛАР ВА ҲУҚУҚ АУДИТ
"БОШЛОВЧИЛАР УЧУН БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ" курси - 60 соат

ЎУМдаги барча ўқитувчилар САР ва ЎзР МВ сертификатлари соҳиблари дидирлар

Тошкент ш., Ўзбекистон кўч., 49.
Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 10-қавати
232-09-36, 733-41-51

1C **Предприятие 8.1**
Ўзбекистон учун бир ечимда
1C франчайзи Bekas Plus

ФАОЛИЯТНИНГ БАРЧА ТУРЛАРИ

Бухгалтерия ҳисоби+иш
ҳақи+ишлаб чиқариш
+савдо+хизматлар
=1C: Предприятие 8.1

Манзил: Тошкент ш., Паркент кўч., 131
Тел.: 269-33-17, 108-59-63, 328-67-55

=650 000 сўм

• РҲЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2009 йил 3 ноябрдаги ажримига асосан Учтепа туманидаги банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, кузатув жараёни бошланган корхоналар РҲЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами
"Kredo exklusive progressus"	10-0906/16571
"Lux Barkamol savdo"	10-0906/16570

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб О.Пўлатова тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2009 йил 13 ноябрь куни соат 10.00 да ўтказилди. Кузатувга оид ишлар ва эътирозлар Тошкент ш., Учтепа тумани, М.Шайхзода кўчаси, 1-уй, Учтепа туман ДСИ биноси, 3-қават, 309-хонада давом этмоқда. Тел.: 274-28-70, 275-95-10. Банкротлик иши Тошкент шаҳар ҳўжалик суди судьяси Д.Соатов томонидан 2009 йил 20 ноябрь куни соат 11.20 ва 11.30 да Тошкент шаҳар ҳўжалик суди биносида қўрилади.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2009 йил 2 ноябрдаги ажримларига асосан Собир Раҳимов туманидаги тугатилаётган корхоналар РҲЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами	Муваққат бошқарувчи
"Lolita-Biznes" МЧЖ	10-0914/6624	С.Саидрахмедов
"Sakura-Omad" XF	10-0914/6623	С.Саидрахмедов
"Зоир-Ота" МЧЖ	10-0914/6622	Х.Ҳаётов
"Komil-Ziyo" XF	10-0914/6625	Х.Ҳаётов
"Seacorp-Food" QK	10-0914/6621	Х.Ҳаётов
"Нарсетик-Азия" QK	10-0914/6620	Х.Ҳаётов

Мазкур корхоналар бўйича муваққат бошқарувчи этиб Собир Раҳимов туман ДСИ ходимлари тайинланган. Кредиторларнинг 1-йиғилиши 2009 йил 11 ноябрь соат 14.00 да Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Собир Раҳимов туман ДСИ биноси, 416-хонада бўлади. Соддалаштирилган тартибда банкротлик иши 2009 йил 13 ноябрь соат 11.00 да Тошкент шаҳар ҳўжалик суди биносининг 4-суд залида бўлади.

Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги тугатилаётган корхоналар РҲЙХАТИ

Корхона номи	СТИР
"DIL TRADING COMPANY" ҚК	202070374
"ZORINVEST" ҚК	300419694

Мазкур корхоналарнинг муҳр ва штамплари ҳамда корхоналарнинг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, устави бекор қилинади.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2009 йил 2 ноябрдаги ҳал қилув қарорларига асосан Яққасарой туманидаги банкрот деб эълон қилинган ва тугатувга доир ишлар бошланган корхоналар РҲЙХАТИ

Корхона номи	Қарор рақами	Юридик манзили
"LA VID-A GROUP" МЧЖ	10-0907/15868	Муқимий кўч., 1
"MASHRAP NUR SAVDO" МЧЖ	10-0907/15869	Фаробий кўч., 10а
"SPETSTECHMONTAJ VA QURILISH" МЧЖ	10-0907/15870	Қушбеги кўч., 20а

Мазкур корхоналар бўйича тугатув бошқарувчиси этиб Яққасарой туман ДСИ ходими М.Умарова тайинланган. Ушбу корхоналарга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари бекор қилинади. Кредиторлар томонидан билдирилган талаблар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 6а-уй, Яққасарой туман ДСИ биноси, 3-қават, 318-хонада қабул қилинади. Тел. 250-70-87.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2009 йил 23 октябрдаги 10-0907/15516-сонли ҳал қилув қарорига асосан Юнусобор туманидаги "Goipirim Kom Tex Servis" МЧЖ ҳамда 10-0907/15517-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Vitadis Servis" ХК банкрот деб топишган. Кредиторларнинг йиғилиши 2009 йил 18 ноябрь соат 15.00 да Юнусобод туман ДСИ биносининг 7-хонасида ўтказилди. Ушбу корхоналарга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари бекор қилинади. Корхоналарга нисбатан талаб ва таклифлар Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 7-хонада қабул қилинади. Тел. 235-89-63.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2009 йил 26 октябрдаги 10-0913/14990-сонли ҳал қилув қарорига асосан Миробод туманидаги "MASTER SERVIS" ХК (СТИР 205257969; рўйхатга олинган қарор санои ва рақами: 28.10.2004 - 000599-03; ОКПО: 22321957) ҳамда 10-0913/14389-сонли ҳал қилув қарорига асосан "MARDONA UZBEGIM" МЧЖ (СТИР 205906380; рўйхатга олинган қарор санои ва рақами: 09.11.2006 - 002191-03; ОКПО: 22103769) банкрот деб топишган ва тугатишга доир ишлар бошланган. Мазкур корхоналар бўйича тугатиш бошқарувчиси этиб С.Абдурахимов ва Я.Раҳимов тайинланган. Корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари, шунингдек белгиланган тартибда давлат архивига топширилиши лозим бўлган бошқа ҳужжатлари бекор қилинади. Кредиторлар йиғилиши 2009 йил 9 ноябрда ўтказилди. Банкротликка оид тугатиш ишлари давом этмоқда. Кредиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 23а-уй, 607-хона.

Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2009 йил 29 октябрдаги 11-0919/16307(19)-сонли ажримига асосан Зангиота туманидаги "TOLIB-OXUN" ХК, 11-0919/16305(19)-сонли ажримига асосан "KELAJAK KAFOLAT QURILISH" ХК ва 11-0919/16306(19)-сонли ажримига асосан "Инжсервис Эко" ХК соддалаштирилган тартибда банкрот деб иш юритиш учун қабул қилинганлиги муносабати билан кредиторларнинг 1-йиғилиши 2009 йил 11 ноябрь соат 11.00 да ва 2009 йил 12 ноябрь соат 15.20 да Тошкент вилояти ҳўжалик суди биносида суд мажлиси ўтказилди. Ушбу корхоналарга алоқадор шахслар ва корхоналар 1 ой давомида ўз муносабатларини қуйидаги манзилга билдиришлари мумкин: Зангиота тумани, Эшонгузар Қ.Ф.Й., Мустиқлик кўчаси, 23-уй, Зангиота туман ДСИ биноси. Тел. 270-70-31.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБЕКОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxaxbor@mail.ru

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуктаи-назарига мос келмайдими. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик муаллифи зиммасига юкланади.

Таҳририят оғоҳлантирадики, газетамизда мажбурий ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзиш туриши имкониятига эга эмас.

"Норма маслаҳатчи" да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўнайитиш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диагнозитивлар ёрдамида "ТОПРИНТ" МЧЖ боёмоҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Буюртма 318 Алади 4932. Баҳои келишилган нархда
Газета 2009 йил 6 ноябрда соат 19.30 да топширилади.
ISSN 2010-5223